

Наманган шаҳри

«18» сентябрь 2022 йил

«Наманган Дори-Дармон» АЖ, бундан буён «Ижрочи» деб аталуви номидан бошқарув раиси Косимов Р.Х. бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Қўрама Саноат ва Савдо Министрлиги билан буён «Буюртмачи» деб аталуви номидан Ш. Юлдашев иккичи томондан, қуйидагилар турғисида ушбу шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижрочи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи»га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармон ва тиббий махсулотларини етказиб беради, «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармонларни қабул қилиб олиб, тулов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. Дори-дармон ва тиббий махсулотларнинг номи, миқдори, қиймати, етказиб бериш муддатлари ва бошқа тегишли маълумотлар шартномага 1-илова (спецификация)га мувофиқ қабул қилинади. «Буюртмачи» тақдим этган тулов ҳужжатларига асосан белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда «Буюртмачи»нинг харажатлар сметасида кузда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳудудий газна ҳисоб-рақамидан туловларни амалга оширади.

### 2. ДОРИ-ДАРМОН МАХСУЛОТИНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган дори-дармон махсулотининг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлган сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт;  
2.2. «Ижрочи» «Буюртмачи»га дори-дармон махсулоти билан бирга мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

#### «Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

- 3.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган дори-дармон махсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ булишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга булишини ва узаро келишилган миқдорда булишини таъминлайди;
- 3.2. «Харидор»га дори дармон махсулотларини етказиб бериш вақтида аниқланган камчиликларни «Харидор талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.
- 3.3. Дори-дармон махсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни, яъни шартноманинг 5.4 бандига мувофиқ расмийлаштирилган камчиликларни, «Буюртмачи» расмий ёзма талабига мувофиқ 7 кунлик муддатда бартараф этади.
- 3.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:
- 3.4. Уз талабномаси буйича етказиб берилган дори-дармон махсулотларини мазкур шартномага ва иловага мувофиқ қабул қилиш;
- 3.5. Дори-дармон махсулотларини мазкур шартноманинг келишувларида кўрсатилган нарх буйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш учун тегишли газна муассасига ҳужжатларни тақдим этиш;

### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 4.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 8 638 600 сумни ташкил этади.
- 4.2. «Ижрочи» билан «Буюртмачи» ўртасида ҳар ойнинг бошида «Буюртмачи»нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган дори-дармон махсулотларининг миқдори ва нархини қушимча шартнома имзолаб, муҳр билан тасдиқланади ҳамда ушбу қушимча шартнома мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади;
- 4.3. «Буюртмачи» тегишли даврда оладиган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари учун 30 фоиз аванс туловини олдиндан «Ижрочи» ҳисоб-рақамига утказиб, қолган 70 % ни ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сўнг 90-кун ичида ҳисоб-китоб қилиши лозим;
- 4.4. «Ижрочи» тегишли даврда томонларнинг узаро шартнома ва иловасига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини олиб кетиш учун тайёрлаб беради. «Буюртмачи» тайёр дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини узига тегишли транспорт воситасида олиб кетади.
- 4.5. «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармон махсулотлари учун «Ижрочи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни узаро келишилган шартномада белгиланган муддатларда «Ижрочи» ҳисоб-рақамига пул утказиш йўли билан амалга оширади.

### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ҳамда талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;
- 5.2. Шартнома бажарилиши бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йўл қуйилмайди. Шартнома бажарилиши рад этилиши ёки шартнома шартлари, бандлари тарафларнинг узаро икки томонлама келишувига мувофиқ расмий тартибда имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган сўнг узгартирилиши мумкин.
- 5.3. Дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмларини илова буйича тулик, 100 % қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Шартномага мувофиқ олинган дори-дармон махсулотлари ва тиббий буюмлар учун туловлар тулик қийматда, 100 %, Ижрочининг ҳисоб рақамига утказиб берилган сана «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 5.4 «Ижрочи» томонидан тайёрланиб, «Буюртмачи» томонидан олиб кетилаётган дори-дармон махсулоти ва тиббиёт буюмлари бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома ёки юк хати буйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган дори-дармон махсулоти миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади. Агар «Буюртмачи» масъул ходими, вакили томонидан қабул қилиниб, олиб кетилаётган дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмлари сифати, сони, миқдори, ҳолати, сакланиши ва бошқа ҳусусиятлари юзасидан эътирозлар мавжуд бўлиб, камчиликлар аниқланган тақдирда бевосита қабул қилиш жараёнида ушбу ҳолатлар далолатномада ақс эттирилиб, тарафларнинг масъул ходимлари томонидан имзоланиб, тасдиқланиши шарт. Шартномада белгиланган тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликлар 3 кунлик иш кунида далолатномада «Ижрочи» томонидан бартараф этилиши лозим. Тегишли тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, «Буюртмачи» ёки унинг масъул ходими, вакили томонидан олиб кетилган дори-дармон махсулотлари ва тиббиёт буюмлари «Ижрочи» томонидан қайтариб олинмайди.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Дори-дармон махсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Ижрочи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган дори-дармон махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва дори-дармон махсулотини етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан овоз этмайди;

6.2. Етказиб берилган дори-дармон махсулоти учун ўз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Ижрочи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак;

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари ҳужалик, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қондага кура мустақил равишда уларни судга қонуний ҳал этиш чораларини қўрадилар;

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита туманлараро иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси президенти, қонун чиқарувчи, ижроия ҳукумати томонидан янги фармон, қонун, қарор ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиغان ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва етказиб бурувчи томонидан тасдиқлаиб, «Газначилик» бўлиммаси рўйхатга олинган сўнг кучга кириди ва 2022 йил « 31 » декабрь \_\_\_\_\_ га қадар амал қилади;

9.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик яқунланган тақдирда тугатилади.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ИЖРОЧИ»

«Буюртмачи»

«Наманган Дори-Дармон» АЖ  
Наманган ш., У.Носир кучаси, 12 уй  
тел 227-20-30 , 221-23-73  
х/р 20210000700306609001  
Миллий банк Наманган бўлими  
МФО 00222; ОКОНХ 71150  
СТИР 200046886

Буюртмачи номи: И.В.РАКШ  
Манзил: Шуҳратгурзон Бушан  
Тел/факс:  
шх: 100011601КАДАН1003301044001  
Ташкилотнинг СТИРи: 202005815  
ИФУТ:  
У.Ф. Ра. И.В. Божие-зи  
(газначилик бўлими номи)

ЯҲҲ 23 402 000 300 100 001 010

Банкинг номи: Марказий банкининг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО,00014

Газначилик бўлими СТИР 201 122 919

Раҳбар: Ю.И.Ш.  
(Ф.И.Ш.)

Бошқарув Раиси: Р.Х.Косимов

(Ф.И.Ш.)




Изоҳ:

\*)- бюджетдан маблағ олувнинг газначилик бўлимида очилган тегишли шахсий ҳисоб варағи (шахс ҳисоб варақлари) курсатилади.

\*\*) - бюджетдан маблағ олувнинг бюджетдан талқари маблағлари буйича талаб қилиб олингунча ҳисобварағи курсатилади.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий базаси тугрисидаги қонуннинг 10.24-34 моддалари ва Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 386-424 моддалари талабларига жавоб беради.

Ҳуқуқшунос







YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YHATIDAN OTKAZISH TO'G'RSIDA

# ГУВОHНОМА

№ 7402

Reestr № 07402

2014 yil "09" sentabr

Mazkur guvohnoma

"NAMANGAN DORL-DARMON"

Yuridik shaxsaga berildi

TISHIT (OHF)

7150

MSHT (ФЧ)

144

NHBT (COATO)

1714401

KTUT (OKHO)

02018441

XNTUT (OKOH)

71150

STR (HHH)

200046986

Solig to'lovchining identifikatsiya raqami



Qo'shimcha ma'lumotlar:

"NAMANGAN DORL-DARMON" OAJ negizida tashkil topilgan va ushbu huquqiy vorisi hisoblanadi.

Vakolatsiz organ boshlig'i

D. Abdurqodirov





**Наманган Рухий асаб касалликлари шифохонаси махсулот (товар, хизмат) етказиб берувчиларнинг янги шартнома шартлиklarini таслаб олиш бўйича тузилган махсус комиссиясининг йиғиниши**

«18» январ 2022 йил

Баён №1

Наманган вилоят рухий асаб касалликлари шифохонаси

Иштирок этганлар:

Комиссия раиси: А.Юлдашев  
Аъзолар: 4 киши

Кун тартиби: Қўриқилмакчи палатаси томонидан 2018 йил 25 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда махсулотнинг ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТУТТИРИСИДАГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси товар хом-шиё бозорларида элекрон таъбиҳоти асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан тасдиқланган руҳий асаб муҳофизат давлат харидлари стратегик субъектлари аямла охиридан давлат харидлари, ривожланиши давлат харидлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари ва назарда тутилган дойирларини рўйбе чикаришда аямла охиридан давлат харидлари туридан- турти аямла охиридан шартномалари ПП-3953 қарори асосида П/З № 1210286 шартномалар будан мустано қуйидаги махсулот (товар, хизмат) етказиб берувчилар томонидан берилган таклифларини қўриб чиқиш.

№	Номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Сотиб олиш қиймати	Етказиб бериш
1	Дез модда "NFM Хлорактив" 1 кг	банка	80,00	79350	6 348 000,0	
2	Дез модда "Дез хлор" 1 кг	банка	15	61200	918 000,0	
3	Дез модда Метгеклорактив 1 кг	банка	40	59340	2 373 600,0	
<b>ЖАМИ:</b>					<b>9 639 600,00</b>	

Кун тартибидagi масала комиссиядан комиссия аъзоси А.Турсунов сўзга чиқиб, юқорида келтирилган таклифномага асосан (бурутганининг предмети, Улчов бирлиги, бирлик нархи, етказиб бериладиган махсулот (товар, хизмат)нинг хажми, бошлангич баҳоси ва алоҳида шартлар туғриқида маълумотлар туғри ас етганини) қолди товар махсулотларини сотиб олиш учун берилган эълонга асосан "OBOD FARM SERVIS" МЧЖ, GRAND MEDIKAL SERVIS МЧЖ ва "Наманган Дори-дармон" АЖ лар томонидан таклиф тушганини таъкидлаб ўтди.

Ушбу масала комиссиядан комиссия аъзоси А.Турсунов етказиб берувчилар томонидан берилган шартнома "Наманган Дори-дармон" АЖ таклифи бошқаларга нисбатан арзонлигини таъкидлаб ўтди.

Юқоридагиларга асосан комиссия махсулот (товар, хизмат) етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган таклифларини муҳокамаласдан келиб чиқиб

№	Номи	Улчов бирлиги	Сони	"Наманган Дори-дармон" АЖ		"OBOD FARM SERVIS" МЧЖ		GRAND MEDIKAL SERVIS МЧЖ	
				Нархи	Сотиб олиш қиймати	Нархи	Сотиб олиш қиймати	Нархи	Сотиб олиш қиймати
1	Дез модда "NFM Хлорактив" 1 кг	банка	80	79350	6 348 000,00	83 317,50	6 665 400,0	87 285,00	6 982 800,00
2	Дез модда "Дез хлор" 1 кг	банка	15	61200	918 000,00	64 260,00	963 900,0	67 320,00	1 009 800,00
3	Дез модда Метгеклорактив 1 кг	банка	40	59340	2 373 600,00	62 307,00	2 492 280,0	65 274,00	2 610 960,00
<b>ЖАМИ:</b>					<b>9 639 600,00</b>		<b>10 121 580,00</b>		<b>10 663 560,00</b>

Қўриқилмакчи:

- Махсулот (товар, хизмат) етказиб берувчи "OBOD FARM SERVIS" МЧЖ, GRAND MEDIKAL SERVIS МЧЖ ва "Наманган Дори-дармон" АЖ томонидан берилган таклифлар маълумот учун қабул қилинсини.
- Юқоридаги эълонга берилган товар махсулотини сотиб олиш бўйича "Наманган Дори-дармон" АЖ тақдим қилинган таклиф бўйича махсулот етказиб бериш таклифи қабул қилинсини.
- Муассасани бош хисобчиси С.Раҳимов белгиланган тартибда юқоридаги "Наманган Дори-дармон" АЖ билан шартнома расмийлаштириш ва Наманган вилояти бўйича Газначилик бўлимининг рўйсатдан ўтказиш вазифаси юқлатилсини.

Комиссия аъзолари:

Хайят раиси: *[Signature]* Х.Қаромов  
 Кун раиси: *[Signature]* А.Турсунов  
 М.И.Б.В.У: *[Signature]* И.Абдулғаниев  
 Дорихона мудир: *[Signature]* Ж.Косимов

(СТИР: 202005745) "Namangan viloyat ruxiy asab kasalliklar shifoxonasi" рахбари

И. Юлдашев га



## ТИЖОРИЙ ТАКЛИФ

Наманган вилоятида фаолият юритувчи (СТИР: 200046886) "NAMANGAN DORI-DARMON" aksiyadorlik jamiyati 2022-йил Инварь ойи учун Сизнинг ташкилотингизга куйидаги келтирилган дори дарилон ни сотиб олиши учун нархнома тавсия этади

№	Товар махсулотларнинг номи	Улчов бирлиги	Нархи
1	Дез модда "NFM Хлорактив" 1,0кг	банка	79 350,00
2	Дез модда "Дез-Хлор" 1,0кг	банка	61 200,00
3	Дез.модда Мега хлорактив 1кг	банка	59 340,00



Бошқарув раиси:

М.Ў.

Р. Қосимов  
(ИМЗО)

Р.Қосимов

(СТИР: 202005745) "Namangan viloyat ruxiy asab kasalliklar shifoxonasi" рахбари

А. Юдашев га



## ТИЖОРИЙ ТАКЛИФ

Наманган вилоятида фаолият юритувчи (СТИР: 207179691) ""OBOD FARM SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati" 2022-йил январь ойи учун Сизнинг ташкилотингизга куйидаги келтирилган дори дарилон ни сотиб олиши учун нархнома тавсия этади

№	Товар махсулотларнинг номи	Улчов бирлиги	Нархи
1	Дез модда "NFM Хлорактив" 1,0кг	банка	83 317,50
2	Дез модда "Дез-Хлор" 1,0кг	банка	64 260,00
3	Дез.модда Мега хлорактив 1кг	банка	62 307,00



Бошқарув раиси:

М.У.

Т.Боймирзаев  
(ИМЗО)

Т.Боймирзаев

(СТИР: 202005745) "Namangan viloyat ruxiy asab kasalliklar shifoxonasi" раҳбари

В. Ю. Саидов га



## ТИЖОРИЙ ТАКЛИФ

Наманган вилоятида фаолият юритувчи (СТИР: 206766019) ""GRAND MEDIKAL SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati" 2022-йил январь ойи учун Сизнинг ташкилотингизга куйидаги келтирилган дори дармон ни сотиб олиши учун нархнома тавсия этади

№	Товар махсулотларнинг номи	Улчов бирлиги	Нархи
1	Дез модда "NFM Хлорактив" 1,0кг	банка	87 285,00
2	Дез модда "Дез-Хлор" 1,0кг	банка	67 320,00
3	Дез.модда Мега хлорактив 1кг	банка	65 274,00



Бошқарув раиси:

М.У.

Ш. Исманов  
(Имзо)

Ш. Исманов